



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 22-iyul • Payshanba • 85 (31.205) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД РУҲИДА

Самарқандда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва келгусидаги энг муҳим вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Ў.Барноев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислон Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини бажариш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилга нисбатан 11,0 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажми соноатда 16,2 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 6,6 фоизга ўсди. Шунингдек, қурилиш-пудрат ишлари 31,2 фоиз, чакана савдо 13,2 фоиз, жами хизматлар 20,1 фоиз, жумладан, пуллик хизматлар 9 фоизга ошди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 65,8 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 53,0 фоизни ташкил этди.

Вилоятда соноатни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва минерал хомашўни қайта ишлаш, шунингдек, истиқболсиз қорхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ва салўхиятли инвесторларга сотиш орқали янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича ҳудудий дастур амалга оширилмоқда. Ушбу дастур асосида ўтган даврда 151 лойиҳа бажарилди. Бунинг учун 31,6 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестициялар ўзлаштирилди ва натижада 2419 янги иш ўрни яратилди.

Самарқанд шаҳрида йилга 3 миң тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга «Дака текс» қорхонаси ишга туширилди. Ушбу қорхонада йилнинг олти ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,8 миллиард сўмни ташкил этиб, 1,6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Жомбой туманида «Жомбой жавоҳири» қорхонаси ишга туширилиши натижа-сида 75 янги иш ўрни яратилди. Утган даврда мазкур қорхонада

400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, 14 энгил конструкцияли, ёқилгининг муқобил манбаларидан фойдаланиладиган иссиқхона, 26 паррандачилик, 13 балиқчилик ва 7 асаларичилик ҳўжаликлари ташкил этилиб, бу борада белгиланган режалар тўлиқ бажарилди. Шунингдек, 514,9 квадрат метр уй-жойлар, 55,7 километр табиий газ ва 134,8 километр ичимлик суви тармоқлари қурилди.


Аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар туфайли хисобот даврида 45 миң 850 иш ўрни ташкил этилди. Ушбу йўналишдаги дастурга киритилган 310 дан ортиқ қорхонада биринчи ярим йиллик мобайнида 3282 та, жумладан, хотин-қизлар учун 2462 та касаначилик иш ўрни яратилди.

Йиғилишда, шунингдек, қорхоналар экспорт имкониятларини ошириш, тижорат банкларининг инвестиция фаолигини кучайтириш, нақд пул айланишини такомиллаштириш, соноат қорхоналарига инвестициялар жалб қилиш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, коммунал тўловлардаги қарздорликни камайитириш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишининг бориши, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таъминнинг кўйинги босқичига қамраб олиш каби масалалар атрофида муҳокама этилди.

Холисона таҳлил ва танқид руҳида ўтган йиғилишда қўлга киритилган ижобий натижалар билан бирга йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам кўрсатилиб, уларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Самарқанд вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқовлов сўзга чўкди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири.



Қирғоқлар туташганда...



Истиқлол иншоотлари

■ Бу йил азим Амударёда сув мўл. Ҳатто баъзи жойларда дарёнинг нариги қирғоғини кўз илғамайди!

Жайхуннинг мавж сувлари энди Қорақум саҳроси этакларидаги чекка ариқ-каналларда ҳам ўйноқлаб оқаяпти. Ҳазрати деҳон даласида экинлар яшнаб ўсаяпти. Воҳа аҳли буни табиатнинг чинакам эҳсонига йўймоқда.

— Мана, икки йилдирки, экинзоримизга шундоққина туташиб кетган қўш соҳилда бунёдкорлик жараёни кечмоқда, — дейди шу ерда яшовчи деҳон Ҳайитбой Сайдиқов. — Худудимизда Амударё узра қурилайтган кўприк Юрт-

бошимизнинг ташаббуси билан бошланган. Биз яқин-яқингача полизимизда етиштирган ҳар хил резавор неъматлар, мева ва поллиз маҳсулотларини кечувимиз ноқорлигидан ҳатто дарёнинг шундоққина нариги соҳилидаги бозорларга етказиб бериш қийналардик. Кўприк қурилиб битса, талай ташвишларимиз ўз-ўзидан барҳам топади.

→ 3

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2005 йил 19 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида Ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши Қуролли Кучларимизни интеллектуал салоҳияти юқори, ватанпарвар, етук офицер кадрлар билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Офицерлик — жасур ўғлонлар касби



Ушбу ҳужжатга асосан олий ҳарбий билим юртларида офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Ватан ҳимоясида шарафли касбнинг нуфузини янада юксалтириш мақсадида кенг қўланила ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида ёшларнинг ҳарбий соҳага қизиқиши ва интилиши ортмоқда. Миллий армиянинг сафлари мард ва жасур, фидойи, Ватан ҳимояси учун доимо шай тура оладиган кадрлар билан тўлдирилмоқда.

Яқинда олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун ўтказилган давлат тест синовлари натижалари эълон қилинди. Курсантлар сафига қўшилиш, келажақда офицер бўлишдек бахтга мушарраф бўлган юзлаб йигитлар орасида чегара қўшиларида шартнома асосида хизмат қилаётган Бекзод Тожихонов ҳам бор.

Ҳарбий бўлишни, Ватанимиз, халқимиз тинчлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини ишончли таъминлашни ўз олдига мақсад қилган бу йигит мударатли ҳарбий хизматни тамомлаб, хизматни шартнома асосида давом эттирди. Ҳарбий қисмда билим олиш учун яратилган шароитдан унумли фойдаланган ҳолда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртига ўқишга кириш ниятида жиддий тайёргарлик қўрди. Унинг бу интилиши ўз самарасини берди — курсантлар сафидан жой олди.

3-бет

Ўзбекистон ифтихорлари

Юрт шухратига шухрат қўшганлар

■ 20 июль куни Президентимизнинг Фармони билан ўзбек футболининг шухратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун халқаро тоифадаги ҳакамлар — Равшан Эрматов «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони, Рафазель Илёсов эса «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтказилган XIX жаҳон чемпионати мундиал баҳсларида иштирок этган ҳамюртларимиз, ФИФА рефери Равшан ЭРМАТОВ ҳамда лайнсмени Рафазель Илёсов довуруғи бугун бутун жаҳонни тутди. Ёдингизда бўлса, мусобақа олдидан салвадорлик Жоэль Агунлар энг ёш ҳакам сифатида қайд этилган. Кейинроқ маълум бўлишича, бу ҳакам 1979 йил



→ 4

Ўзбекистонга оила билан келишни ният қилган эдим.

Орзуим ушлангандан бахтиёрман. Қисқа фурсатда азим Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашиб кетибди. Айниқса, болаларнинг ёзи таълими мароқли ва мазмунли ўтказиши учун яратилган шарт-шароитга ҳавасим келди. Рафиқам ва фарзандларим билан аввало Мустақиллик майдонига бордик. Муаззам майдон сайёҳлар билан гажум. Мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўётган келин-қўвлар Бахтиёр она ҳайкали пойига гул қўймоқда. Уларнинг кўплари билан сўхбаташдик. Ҳатто айримларининг тўйида ҳам иштирок этдик. Тўғриси айтсам, бундай миллий урф-одатларга бой, файзли ва гоёат қизиқарли шодиёналарни кўрмаган эдик.

Хан МЕНГ, (Хитой).

ОБ-ҲАВО 22-23.07.2010

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|--------------|-------|--------|
| Тошкент | 31°C | 33°C |
| Самарқанд | 32°C | 33°C |
| Нукус | 33°C | 35°C |
| Қарши | 36°C | 38°C |
| Урганч | 33°C | 35°C |
| Навоий | 32°C | 35°C |
| Фарғона | 30°C | 33°C |
| Бухоро | 33°C | 35°C |
| Анджон | 30°C | 33°C |
| Наманган | 30°C | 33°C |
| Термиз | 36°C | 38°C |
| Жиззах | 32°C | 33°C |
| Сирдарё | 32°C | 33°C |
| Тошкент вил. | 32°C | 33°C |
| Лондон | 29°C | 30°C |
| Париж | 30°C | 32°C |
| Москва | 34°C | 36°C |
| Мадрид | 35°C | 36°C |
| Пекин | 36°C | 38°C |
| Гонгконг | 40°C | 42°C |
| Рим | 32°C | 34°C |
| Анкара | 35°C | 37°C |
| Токио | 31°C | 32°C |
| Стокгольм | 30°C | 31°C |
| Кейптаун | 15°C | 13°C |
| Қоҳира | 28°C | 29°C |
| Гавана | 40°C | 42°C |
| Вашингтон | 32°C | 33°C |

O'zbekiston havo yo'llari



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKINING 2010 YIL 20 IYULDAN BO'SHLAB ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|-------------------------|---------|--------------------|---------|--------------------|---------|-----------------------|--------|
| 1 Австралия доллари | 1389,49 | 1 Миср фунти | 281,43 | 1 СДР | 2425,23 | 10 Жанубий Корея вони | 13,17 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2454,21 | 1 Канада доллари | 1519,15 | 1 Туркия лираси | 1037,88 | 10 Япония иенаси | 184,93 |
| 1 БАА дирхами | 436,44 | 1 Хитой юани | 236,45 | 1 Швейцария франки | 1530,76 | 1 Россия рубли | 52,62 |
| 1 АҚШ доллари | 1603,01 | 1 Малайзия рингити | 497,13 | 1 Евро | 2036,12 | 1 Украина гривнаси | 202,89 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

Куч ва салоҳиятдан унумли фойдаланиш зарур

Фарғона вилояти туман ва шаҳар партия кенгашларида «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган тадбирлар ўтказилди.



Сардор АБДУЛЛАЕВ, «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси:

Партияимиз ўз олдида ижтимоий ҳимоя йўналиши бўйича қатор вазифаларни белгилаб олган. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар қатламига қучлироқ эътибор қаратиш, битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш

юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиши зарур. Шунингдек, ёшлар билан ишлашнинг бир йўли сифатида ўтган йилнинг декабрь ойида биринчи марта ёшлар қанотининг ижтимоий-сиёсий ролиги тайёрланди ва маҳаллий телевидениеда намойиш қилинди. Қанот ташаббуси билан ёшларимизни партия дастурий мақсад-вазифалари билан чуқурроқ таништириш, уларнинг вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида «Истиқбол» ёшлар ахборотномаси чоп этилди.

Афсуски, кўп ҳолларда ташаббусни қўлга ололмадик, фаолиятимизни жонлантиришга оид зарурлиқ тақдирлар билан чикмадик. Бу камчиликлардан ҳулоса чиқариб олишимиз зарур.



Севара ХОШИМОВА, «Истиқбол» ёшлар қаноти Қувасой шаҳар бўлими етакчиси:

Қувасой шаҳар партия кенгашида 1768 нафар партия аъзоси бўлса, шунлардан 545 нафарини 30 ёшгача бўлган йигит-қиз ташкил этади. Тан олиб айтиш кераки, бугунги кунда шаҳримизда «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ўтказилаётган меҳнатга лаёқатли ёшларни иш билан бандлигини таъминлашга доир тадбирлар биз кутаётган натижани бераётгани йўқ. Бу борада депутатлик гуруҳлари ва бандликка кўмаклашиш марказлари, ҳамкор ташкилотлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш, кишлоқ жойларда касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун янги иш ўринлари меҳнат ярмаркаларини ташкил қилиш, мавжуд муаммоларни барта-

раф этиш юзасидан тегишли тақриф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарур...



Бунёд АХМАДАЛИЕВ, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

Ёшларимизнинг жойлардаги муаммоларини ҳал этишга қаратилган тақдирлар аввало партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари томонидан қўллаб-қувватланиши зарур. Айниқса, чекка кишлоқлардаги иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, шу мақсадга хизмат қилувчи янги лойиҳалар ишлаб чиқиш муҳим. Мисол учун, «Еш сиёсатчи» лойиҳасини олсак, бу танлов вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига бўладиган кейинги сайловларда ёшларимиз учун ўз номзодини қўйиш имкониятини беради. Танловнинг туман ва шаҳар bosқичла-


ри вилоятимизда жуда қизиқарли ўтди. 2008 йили танловда 50 нафар ёш йигит-қиз иштирок этган бўлса, 2009 йили бу кўрсаткич 110 нафарни ташкил этади. Ёшларимизда партияга қизиқиш ортди, йил бошидан буюн 100 нафардан ортиқ йигит-қиз ЎзХДП сафига қабул қилинди.

Расул РЎЗИБОВЕВ, «Истиқбол» билан баркамоллик сари» лойиҳаси раҳбари:

«Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими «Медиа гуруҳи» томонидан «Истиқбол» билан баркамоллик сари» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, абитуриентларнинг олий ўқув юртига тайёрланишлари учун турли ўқув машғулоти ташкил қилинади. Сўхбатлар ва дарслар сўнгги технологиялардан фойдаланган ҳолда интерфал усулда ўтказилади. Бу ёшларнинг билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилмоқда.

«Истиқбол» бугун ўз гоғлари ва ташаббуслари билан кўпчилик ёшларни атрофига бирлаштирган. Фарғона вилояти бўйича партияимиз сафидаги ёшлар сони 13057 нафарни ташкил этади. Бундай куч ва салоҳиятдан унумли фойдаланиш зарур.

Гулярух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



2010 йил — Баркамол авлод йили

Андижон вилояти Булоқбоши туманида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда.

Тумандаги кишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларга салоҳиятли кадрларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бундан ташқари, тумандаги 415 ўринли икки шифона, 450 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника, стоматологик поликлиника, туман тез ёрдам бўлими ва унинг жойлардаги бешта шохобчасида ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Суратларда: тумандаги «Жураполдон» кишлоқ врачлик пункти болалар шифокори Фуқратбек Каримов; пункт лаборатория ҳамшираси Озодхон Султанова иш вақтида.



Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ёш аёл истиҳола билан Жамоатчилик қабулхонасига кириб келди. Бу ерда унинг дардини диққат билан тингладилар. Рўзгор иқтисодини кўтаришга аҳд қилган Маҳбуба Мамедова Бухоро шаҳридаги «Сарафроз» МЧЖга қарашли тўқув цехига ишга жойлаштирилди. Унга Бухоро шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Робия Козимова кўмак берди.

ЎзХДП: фаоллар ташаббуси билан

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги «Ёшлар сиёсати ва баркамол авлод» масалалари бўйича доимий комиссия раиси ҳамда партия депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида Робия опанинг иши жуда кўп. «Нуроний», «Маҳалла» жамғармаларининг шаҳар бўлимлари ва «Камолот» ЁИХ Бухоро шаҳар кенгашидаги фаоллар билан ҳамкорликда «Баркамол авлод йили», «Репродуктив саломатлик» каби дастурлар ижроси бўйича анчагина ишлар амалга оширилди.

Бу йил шахримиздаги 571 нафар ҳомилдор аёл скрининг текширувдан ўтказилди, — дейди Робия Козимова. — Даволаш-профилактика муассасаларида 85121 нафар туғиш ёшидаги аёлнинг 79819 нафари, яъни қарийб 94 фоизи тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. Касаллиги аниқланган аёллар диспансер назоратига олинган. Гўдақлар саломатлигини сақ-

лаш жиддий эътиборда.

Маълумки, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларимизнинг тиббий маданият шаклланишини талаб этади. Шу мақсадда шаҳар маҳаллаларида, ўқув даргоҳларида кўплаб давра сўхбатлари ташкил қилинди. Май ойида Халқаро оила кўни муносабати билан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида оила марафони ўтказилди. Унда энг ибратли оилалар иштирок этишди.

Баркамол авлод йилида режалаштирилган ишларимиз кўп, — дейди Робия Козимова. — Асосий мақсадимиз — маънан ва жисмонан етук авлод тарбиясига ўз ҳиссамизни қўшиш, ҳар жиҳатдан соғлом фарзандларни камол топтириш.

Мохилул НАЗАРОВА

КЎРИК-ТАНЛОВ: ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2010»

Ислохотларга дахлдорлик ва масъулият

Ёшларнинг сиёсий билимини ошириш, ёш сиёсатчиларни кашф этиш мақсадида ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи — 2010» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар bosқичи бўлиб ўтди. Унда 12 та туман bosқичи гоғлиби — 12 нафар ёш етакчи ўзаро баҳсга киришди.



Танлов шартлари асосида бўлиб ўтган қизгин беллашувлар натижасига кўра, Юнусо-

верситети 2-bosқич талабаси Зумрад Тазетдинова биринчи, Шайхонтоҳур туманидан Тошкент шаҳар 4-босқич клиник шифонаси реанимация бўлими ҳамшираси Зоҳидабону Рауфова иккинчи, Чилонзор туманидан Педагогика коллежи ўқитувчиси Маъсуда Бакирова учинчи ўринни қўлга киритди.

«Ёш сиёсатчи — 2010» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар bosқичи мутлақ гоғлибга тақдим этиладиган бош мукофотга Собир Раҳимов туманидан «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси, ЎЗМУ сиёсатшунослик факультети битирувчиси Бахтиёр Отахонов лойиҳа деб топилди.

Танловнинг ҳар йилги bosқичларини диққат билан кузатиб бориш жараёнида иштирокчи ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий салоҳияти, жамиятга амалга оширилаётган муҳим ислохот ва ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси ортиб бораётганини кўришиб турибди, — дейди халқ депу-



CHILONZOR TUMANI YOSH SIYOSATCHI - 2010

татлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ҳайъат аъзоси Муқаддас Раҳматуллаева. — Мазкур кўрик-танловга ёшларни кўпроқ жалб этиш ҳамда беллашув шартларини янада такомиллаштириш лозим деб ўйлайман.

Беллашув мобайнида шу нарсага амин бўлдими, нафақат бўлажак сиёсатчи, умуман, ҳар бир тенгдошимиз сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини доимий равишда ошириб бориши зарур экан. Тан-

ловнинг Республика bosқичида бунга алоҳида эътибор қаратаман, — деди «Ёш сиёсатчи — 2010» Тошкент шаҳар bosқичи гоғлиби Зумрад Тазетдинова.

Танлов сўнггида гоғлибларга тегишли диплом, фахрий ёриқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Зийдилла НОРМУРОДОВ олган суратлар.

Бизнинг сафларимизда

ёшлар тобора кўпаймоқда

Мен нега ЎзХДПни танладим?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Избоскан туман Кенгаши раиси Қумрихон Хўжаевани бир гуруҳ ёшлар даврасида учратдим.

Яқинда партияимиз аҳоли орасига тобора чуқурроқ кириб бораёпти, — дейди у. — Ёшларимизда ҳам ЎзХДП, унинг дастурий мақсад вазифаларига қизиқиш кучли. Сафимиз ана шундай ғайратли ёшлар ҳисобига кундан-кунга кенгаймоқда. Бугун ҳам қаторимизга қўшилаётган йигит-қизларга партия аъзолик гувоҳномаларини топширамыз.

Биз улар билан танишиб, партияимизга ўтишдан кўзлаган мақсад-муддаоларини билишга ҳаракат қилдик. Нигорахон Урмонова, Шоира Тиллабоева, Инонжон Темиров Андижон давлат университетини, Ойсулв Ортиқова, Ғўллой Алиевалар Андижон кишлоқ ҳўжалиқ институтини тамомлаб, Избоскан енгил саноат касб-ҳунар коллежида ишлашаёт-

ганини айтишди. Уларнинг барчаси фаол, жамоат ишларида пешқадам. — ЎзХДП дастури билан танишганимда, ўқитувчилар манфаати ҳимоясига доир бандлар диққатини тортди, — деди Нигорахон Урмонова. — Шунинг учун ҳам айнан шу партия сафига бўлишга қарор қилдим.

Менга эса туманимизда бу партия аъзоларининг фаоллиги маъқул

бўлди, — дейди Шоира Тиллабоева. — Улар мунтазам равишда турли тадбирлар, ўқув-семинарлар ташкиллаштиради. Мен ҳам унда кўп катори иштирок этиб келаман. Шунинг учун ҳам ушбу партия фаолиятига қизиқишим ортди.

Туман партия кенгаши раисини Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг гуллаб-яшнаши йўлидаги самарали меҳнати, партия дастурий мақсадларини амалга оширишдаги хизматлари учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг фахрий ёрлиги билан мукофотланганини кўриб, ҳавас қилдим, — дейди Ғўллой Алиева. — Мен ҳам сиёсий куч сафига туриб жамият ҳаётида фаол қатнашмоқчиман.

Бу йигит-қизларнинг қалбида ғайрат-шижоат бор. Эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилишга бел боғлашган. Уларга партия гувоҳномаларини Қумрихон Хўжаева ҳамда Андижон вилоят партия Кенгаши раиси Маҳаммадҷон Йўлдошев топширди.

Аҳмадҷалло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Қашқадарё вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан вилоят Адлия бошқармаси, Қасби тумани ҳокимлиги, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий масъули, Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳамда Қарши давлат университети ҳамкорлигида «Оммавий маданият ва космополитизм кўришидаги мафкуравий хуружлар» мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

Мафкуравий хуружлар

ёш авлоднинг онгини заҳарлайди

Маълумки, «Оммавий маданият» маънавий-мафкуравий таъйиннинг энг хавфли кўринишларидан бири бўлиб, асосан миллий қадриятларга қарши қаратилган таъвозуидир. У инсонни охири-охирига манкурт даражасига туширадиган, халқни эса оломонга айлантириши мумкин бўлган ёвуз ҳаракатдир.

Халқимизнинг бир неча минг йиллик бой тарихи миллатимиз маънавияти ниҳоятда бой ва мустаҳкам идизга эга эканлигининг исботидир. Шундай экан, ўзлимизни, асрий урф-одат ва анъаналаримизни, тарихан шаклланган миллий менталитетимизни асраш орқали ёшларнинг маънавий оламиде бўлажак қилишимиз лозим. Жумладан, илмий асосда, узлуксиз олиб бо-

риладиган маънавий тарбияни сусайтирмастик талаб этилади. — Аслида, ҳеч бир халқ бошқа халқлар билан фан ва маданият ютуқларини алмашмасдан туриб ривожлана олмайди, — деди Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Лола Саодатова. — Жамият таракқиети тезлашгани сайин ахборотга эҳтиёж ортиб боради. Лекин бу ахборот маконини ёт мафкурага бериб қўйиш дегани эмас. Бугун ахборот технологияларининг ривожланиши шиддатли тус олгани барчамизни огоҳ бўлишга ундайди.

Асримизда кенг қамровли ва жадал суръатларда тарқалаётган чексиз ахборотлар инсоннинг истакларини, дидини ўзгартириши орқали фикрига таъсир қилиши шубҳасиз, — деди Қарши

давлат университети доценти Фаҳриддин Қодиров. — Тан олиш керак, томоша қилинаётган сериаллардан тортиб болакайларга айтиб берилаётган эртақларга, ҳатто ўқийётган китобларимиз ҳам муайян мафкуравий таъсир аҳамиятига эга. Ривожланган давлатлар кудратли тарғибот тизимига эга бўлишга интилаётганини тўшунган ҳолда, ушбу жараёнда миллий манфаатларимизни мустаҳкамлайдиган позицияни ишлаб чиқишга эътибор қаратиш керак.

Бугунги кунда маънавий-маърифий ишларнинг марказида туриши лозим бўлган муҳим масалалардан бири ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, уларни фойдаланиш ва қизиқарли машғулотлар билан банд этишдир.

Музаффар ТУРОПОВ

Истиқлол иншоотлари

Алишер УРОЗМАЛИЕВ суратлари.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

... Бунёдкорлик ишлари жадал паллада. Хар иккала сохил ва мавжланиб оқайтган дарёнинг бутун ўзани курилишининг бош майдони-га айланган.

Жайхуннинг чап сохилидаги курилиш ишлари бевосита кўприк барпо этилаётган дарё сохили ёки ўзанидан эмас, балки ундан бир неча чакирим беридаги Чолиш кўргони худудидан бошланади. Кўприкнинг ўзи эса баланд, сервикор ва салобатли. Лойихага кўра дарё транспорт воситаларини ҳам бемалол ўткази олади.

Дарёнинг ўнг ва чап сохилида кўприк томон жами 18 километрга яқин масофада йўл куриш мўлжалланган. Лойихачилар бу масалада ҳали сўнги сўзини айтишганича йўқ. Унг сохил йўлларини лойихалаш ишлари якунланиш арафасида. Аммо йўл бунёдкорлиги ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Ишининг сифати ва унумига гап йўқ. Бу ишларни тажрибали Учқудук — Мискин ва Ғузур — Кумкўрган — Бойсон темир йўл тармоғи, шунингдек, Хўжайли ва Тошқоқдаги муаззам дарё кўприклари курилиши-

Қирғоқлар туташганда...

да қатнашган малакали йўлсозлар амалга оширяпти. Қисқа мuddатда 120 минг кубометрдан зиёд тупроқ кўтариш, зичлаш, шиб-балаш ишлари бажарилди. Бу ишга 40 нафарга яқин малакали йўл курувчи сафарбар қилинган. 20 га яқин оғир юк кўтарувчи машиналар эса тупроқ ташиш юмушлари билан банд. Барпо этилаётган йўл тармоғининг пастки қисми энига 42, устки сатхи 26,9, ўртача баландлиги эса 7-14 метрдан иборат. Бу янглиғ қўркамлик тархи кўзга тобора равшан чалинаётган ўнг сохил йўллариди ҳам намоеён бўлади.

Хар иккала сохилда барпо этилаётган катта йўл шўбхасиз Хоразм вилоятининг Чолиш кўргони ва Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани ораллиғида давом этаётган улкан курилишининг бир бўлаги, узвий давоми. Йўлсозлик ва кўприксозлик иши бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилапти. Ишининг энг қайноқ жабҳаси ҳеч шўбхасиз — мавжланиб оқайтган азим Амударё ўзани. Унинг узунлиги салкам 700 метр. Асосий бунёдкорлик ишлари кенглиги аттиги бир неча ўн метрдан иборат бўлган ушбу майдонда бевосита дарё саҳнида олиб борилапти. Бу ерда иш кечаю кундуз

давом этапти. Икки смее-нада ишлаётган 250 нафар курувчига яшаши ва ишлаши учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Кўприк бунёдкорлигининг бош мувофиқлаштирувчиси, Республика Йўл жам-фармаси бош мутахассиси Баҳром Йўлдошевнинг айтишича, курилишда ой сайин 1,5-2 миллиард сўмлик курилиш-монтаж ишлари адо этилапти. Бунда тунги бунёдкорлик мех-натининг самараси анча катта. «Юк»нинг оғири эса Тахياتошдаги 14-кўприксозлик отряди зиммасида. Бу ердаги ишларнинг ундан икки қисмини ана шу жамоа адо этапти. Курилиш бош пудратчиси вазифини эса асосан Республика Кўприксозлик трестининг 13-кўприк курилиш бошқармаси бажараяпти.

Зиммадаги топширикни аллақачон уддалаган жамоалар ҳам бор. Жумладан, 67-кўприк курилиш отряди зиммадаги мажбурият-иншоотнинг бир неча устунини тиклаш борасидаги топширикни бир неча ой ичида тўла уддалашга муваф-фақ бўлди. Аини кезде 13-кўприк курилиш отряди 6 та, 14-кўприксозлик отряди эса 15 та равоқдаги ишларни вақтдан ўзган ҳолда уддалашга эришяпти. Хозир-гача жами 21 та равоқнинг 12 таси қад ростлади. Энг

оғир ва машаққатли меҳнат жараёни орта қолди. ...Оғирлиги бир неча тоннадан иборат улкан темир болгаларнинг гоятда катта, узун ва мустаҳкам темир-бетон «қозик»ларга қарсиллаб урилган овози узоқ-узоқларга эшитилади. Германиядан келтирилган махсус дизел болға ускунаси «қозик» қоқувчиларнинг юмушини енгил қилапти. Тошкентлик муҳандис Эмил Довудов тун ва кун — бевосита дарё ўзанида олиб борилаётган бунёдкорлик жараёнини бошқараяпти. У бошлқ участка шу қунарда чап сохилдан бошланувчи 1-6-равоқларни бунёд этапти. Зиммадаги вазифа жўн эмас. — Кўприксозликда енгил ишнинг ўзи йўқ, — дейди муҳандис. — Оддийгина бўлиб

миллиметр, узунлиги эса 6-8 метрдан иборат мазкур 40 та устуннинг хар бири ноёб муҳандислик намунаси. Хар битта устун ер қаърига 30-38 метргача чуқурликда қоқилган, ён-атрофлари чўзинчок, тўртбурчаксимон монолит темир-бетон пойдевор билан ўралган. Асосий устунларга ҳам устун, ҳам пойдевор бўлими махсус «қозик»лар уларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Бундай «қозик»лар сони 700 га яқин. Қозик қоқувчилар ўз ишини гўёки хамирдан қил суғургандай осон уддалашаётганини кўриб, хайратга тушмай иложи йўқ. Вази 59 тонналик оралик қурилмалар махсус буюртма асосида бош пудратчи — 13-кўприксозлик отрядининг Тошкентдаги корхонасида тайёрлан-

этилапти. Олдинда эса бошланган барча ишларни тезроқ поёнига етказиш, йўл курилиши, шунингдек, равоқларни бир-бирига пайвандлаш юмушларини белгиланган фурсатда ниҳоялаш, иншоот устидаги транспорт йўли ва пиедалар йўлакчаларини асфальтлаш, дарёнинг хар иккала сохили бўйлаб кечувга тақанга ҳолда умумий узунлиги 1,8 километрлик мустаҳкам сувдан ҳимоя иҳота деворини барпо этиш, чоратрофини ободонлаштиришдек долзарб юмушлар турибди. Кўприк куриш — бағоят савоб иш. Ота-боболаримиз бу ишни ҳатто ҳаж зиёрати билан тенглаштиришган. Зеро, хар кун миң-миңларча транспорт воситаларини ўтказиш қувватига эга бўлган мазкур кўприк минтақа ижтимоий-иқтисодий турмушини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан биридир.



моқда. 59 тонна. Бу — ҳазилакам юк эмас. Шундай бўлса-да, уни поездга ортаган ҳолда бунёдкорлик ишлари кетаётган манзилдан 20 километр йироқдаги Беруний темир йўл станцияси, боринги, бевосита иншоот барпо этилаётган жойгача етказиб келиш таъминланган. Курувчи-ю муҳандиснинг бор маҳорати юкни охириги манзили — бунёдкорлик ишлари қизгин давом этаётган дарё ўзани — сув сатҳига тушириб олишда намоеён бўлади. Ўта қийин ва мураккаб бу вазифини хозирги кунда мутасаддиларнинг топқирлиги туфайли ишга солинган 3 та сузувчи кран қойиллатиб адо этапти. Аини дамда кўприкнинг охириги 5 та равоқи бунёд

Бинобарин, мамлакат кучи ва қудрати, турмуш фаровонлиги тараққиёт туфайли мамлакатимизда кўпдан-кўп янги йўллар ва кўприклар куришдек хайру-савоб юмушлар амалга ошириляпти. Зеро, Юртбошимиз бошқа жабҳалар сингари замонавий йўллар ва муаззам кўприклар куриш орқали она юртимизни обод қилиш, мамлакат куч-қудратини ошириш, халқимиз турмушини юксалтиришдек олийжаноб ниятни кўзлаган. Курилиш тобора жадаллаётган янги кўприк мамлакат истиқболининг яна бир ишончли омил, яратувчиларнинг ёрқин намунасидир.

Абдулла СОБИРОВ, журналист.
Суратларда: кўприк курилиши жараёнидан лавҳалар.

Хорижда
Кўчада, стадионда, хиёбонда, чўмилиш ҳавзасида...
пиво ичиш мумкин эмас
Коми Республикасида жамоат жойларида, яъни кўчада, стадионда, хиёбонда, чўмилиш ҳавзаларида ва шунга ўхшаш манзилларда спиртли ичимликлар ва ҳатто, куввати 15 фойзгача бўлган пиво ичимлигини истеъмол қилишга қарши қаратилган тақиқлов кучга кирди.

«Новости» АА хар бар беришича, ушбу тақиқлов доирасида кечки соат 23.00 дан эрталабқи 8.00 гача барча савдо шохобчаларида (ресторан ва барлар бундан мустасно) спиртли ичимликлар, шу билан бирга қуввати 15 даражагача бўлган кучсиз алкоғоли ичимликларни сотиш ҳам тақиқланди. Кимки бу тақиқловни бузса, 500 дан 700 рублгача жарима жазосига тортилади.

Бири айблади
иккинчиси уни рад этди
Колумбия маъмурияти қўшни Венесуэла маъмуриятини Колумбиянинг сўл қўзғолончилар гуруҳи — «Колумбия инқилобчи куролли кучлари» ва «Миллий озодлик армияси» жангариларини чегара худудларидаги чангалзорларда яширганликда айблади.

Венесуэла президенти Уго Чавес бу айбловни асоссиз деб ҳисоблаб, айбловга жавобан мамлакатнинг Колумбиядаги элчисини маслаҳатлашув учун чиқариб олди ва Колумбия маъмурияти яна айбловни давом эттирса, бу давлат билан дипломатик алоқаларни узишини билдирди.
«Reuters» АА харбарига кўра, Колумбия маъмурияти Америка давлатлари ташкилотига расмий мурожаат этиб, мазкур масалани тезда муҳокама қилишга чакирди.
Кўзда тутилганидан кўра
ортиқча қисқартиришга эришилди
Жорий йилнинг биринчи ярмида Греция бюджетидидаги камомадни режадагидан кўра ортиқча камайтиришга эришилди. Яъни ушбу ярим йилликда 39,5 фойз камайтириш кўзда тутилаётган эди, амалда эса 46 фойзга етказилди.

Танлов Мамлакатимизда барча соҳалар қатори солиқ тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат солиқ хизмати томонидан нафақат солиқ ва йиғимларни ундириш, балки соҳадаги янгиликларни аҳолига етказиш, фуқароларнинг солиқ маданиятини юксалтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нафақат солиқ тўловчилар, балки шу соҳа вакиллари, хусусан, ҳисобчилар ва аудиторларнинг касб малакасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Энг яхши аудитор ва ҳисобчи

Давлат солиқ кўмитаси ташаббуси билан Бухгалтерлар ва аудиторларнинг Миллий уюшмаси, Аудиторлар палатаси ва «Солиқ Инфо» газетаси тахририяти ҳамкорлигида «Профессионал — 2009» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда «Йилнинг энг яхши ҳисобчиси» ва «Йилнинг энг яхши аудитори» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди. Бу кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад, — аҳолининг солиқ соҳасидаги билимини, бухгалтерлик ҳисоби тизимидаги мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш ҳамда бухгалтерлар ва аудиторларнинг ўзаро касбий бирдамлиги ва ҳамкорлигини ривожлантиришдир. Кўрик-танловда республика-

Офицерлик — жасур ўғлонлар касби

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Орзуим ушалганидан қувончим чексиз, — дейди Бекзод. — Бунда албатта, хизматда тўплаган билим ва тажрибам асқотди. Эндиги мақсадим мазкур нуфузли билим юртида ўз билим ва малакамни ошириш ва келажакда юртимиз оёсийшталлиги йўлида садоқат билан хизмат қилишдир. Учувчилик касбининг кўпчилиги орзу қилади. Лекин бунга эришиш учун фақат орзу-ҳаваснинг ўзи камлик қилади. Учувчи бўламан деган хар бир йиғит аввало, хар томонлама соғлом, техникага оид етарлича билим ва кўникмага эга бўлиши зарур. Бунга яхши намуналар жаззаҳлик Азиз Пулатов келажакда харбий учувчи бўлиш учун Жаззаҳ олий харбий авиация билим юртига ҳужжат топширган эди. Касб-хунар коллежида техника соҳасига доир билимини мустаҳкамлаган Азиз олий харбий авиация билим юртининг учувчилик факультетига ўқишга қабул қилинди.



Муддатли харбий хизматдан олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқини берардиган тавсиянома билан қайтган фарғоналик Собиржон Абдуллаев берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, Самарқанд олий харбий автомобиль кўмондонлик муҳандислик билим юртига ўқишга кирди. — Мамлакатимизда биз, ёшларни ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз, ўқиш ва ишга киришимиз, спорт билан шу-

Qishloq Qurilish Bank
«Kaspersky» ёки «Eset NOD 32»
лицензион антивирус дастурлари сотиб олиш бўйича конкурс эълон қилади.
Конкурсда қатнашиш учун тақлифлар ушбу эълон «Ўзбекистон овози» газетасининг 20 июль, 84-сонидида чиққан санадан бошлаб 7 кун давомида қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-уй, 5-кават, 524-хона Тел: 236-15-02, 236-16-17

Греция Молия вазирлигидан олинган манбаларга асосланиб «K2K» нашри бу ҳақда ахборот тарқатди. Маълумотларга қараганда, биринчи ярим йилликда бюджет тақчиллиги 9,65 миллиард еврога ташкил этди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида бу рақам 17,87 миллиард еврога тенг бўлган эди. Маълумки, жорий йилнинг май ойи бошида Греция иқтисодиётини банкротликдан олиб чиқиш учун Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармаси Греция бюджетидидаги камомадни қисқартириш эвазига 110 миллиард евро миқдоридида кредит бериш бўйича халқаро битим имзоланган эди. Ушбу келишувга кўра, Греция давлат сектори ходимлари маошлари, мукофот пуллари, пенсиялар миқдорини қисқартириш ҳисобига бюджетни йил охиригача 40 фойзга камайитириш лозим эди.
Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-машиий хизмат ходимлари қасба уюшма Марказий кенгашининг Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган ТН№ 000101 рақамли устави йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юрт шухратига шухрат қўшганлар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Куни кеча Ўзбекистон футбол федерацияси мажлис залда ФИФА рефериси Равшан Эрматов, лансмени Рафаэль Илёсов иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Унда нафақат Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимлари, балки Россия, Туркия сингари давлатлардан келган ҳамкасбларнинг ҳам қатнашди.

— Бундай катта футбол байрамида иштирок этганимиздан бахтиёримиз, — дея гап бошлади Рафаэль Илёсов. — Биз мусобақа давомида барча диққат-эътиборимизни ўзимизнинг ишимизга қаратдик, майдонда беҳато ишлаган ҳаракат қилдик. Фақатгина Тошкентга қайтиб келганимиздан сўнг журналистларнинг бизга бўлган муносабатини кўриб, мусобақа нуфузини янада чуқур ҳис қилдик.

— Биз ушбу мусобақада давлатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилганимиздан хурсандимиз. Биз фақатгина ўз ишимизни бажардик, деб ҳисоблаймиз. Қандайдир оламшумул ишни уйдладик, деган фикрдан йироқимиз, — дея ўз ёрдамчиси сўзларини давом эттирди Равшан Эрматов.

— Очилик учрашувини бошқаришнинг ҳамкасбларингиз ва маҳаллий нашрларнинг муносабати қандай бўлди?

— Дебют учрашувига тайинланганимиз биз учун ҳам кутилмаган воқеа бўлди. Уйингача маҳаллий матбуот томонидан Ўзбекистонлик ҳамкамлар ва ФИФА номига танқидий фикрлар билдирилганли-

гини яширмаймиз. Аммо бундан биз асло ҳайқанмиш йўқ. Яъни, ҳар қандай ўйинни бошқаришга тайёр эдик.

— Чорак ва ярим финал оралигида 3 кунгина вақт бўлишига қарама-қарши, ФИФА бунчалик қисқа муддат ичида сизларни иккита ўйинга тайинлади. ФИФА сизларга дам олиш имкониятини бериб, учинчи ўрин учун ўқи финалга тайинласа бўлмасмиди?

— Жаҳон чемпионатида ҳамкамларни тайинлашда ФИФА биздан маслаҳат сўраб ўтирмайди. Бизни ўйинга тайинлашда ва бунга бажаришимиз керак. Ҳақиқатан ҳам икки кун оралигида навбатдаги ўйинга ҳам жисмонан, ҳам руҳий жиҳатдан тикланишимиз қийин эди. Чорак финал ўйинини ўтказиб, Кейптаун шаҳридан Преторияга қайтиб келдик ва 5 июнь кунини соат 12 да ярим финал ўйинига тайинланганимизни маълум қилишди.

— Шундан сўнг, ўша куннинг ўзидан, соат 14.30 да самолётга ўтириб, яна Кейптаунга йўл олдик. Ушунда кўнчилики яна қайтадан Кейптаундаги ўйинга қайтиб бораркансизлар, ундан кўра ўша ерда қолиб, тикланиш жараёнини ўтказиб, ўйинга тайёргарлик кўрсангизлар бўлмасмиди, деган фикрни айтишди. Лекин биз ҳам бу ўйинга тайинланганимизни учрашувдан бир кун олдин билдик, холос.

— Россия матбуотида мусобақа давомида шаънингизга илиқ фикрлар билдирилди. ЖАРДАГИ журналистларнинг муносабати қандай бўлди?

— Бизда оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатлашди. Ана шу пайтда улар билан учрашдик ва россиялик мухбирлар бизга нисбатан яхши муносабатда бўлганини айтишимиз мумкин. Улар асосан биздан ҳамкамлик иши билан боғлиқ вазиятларни сўрашди.

— ФИФА томонидан сизга яна қандайдир режалар берилди?

— Бу лойиҳа эндигина туғди ва ҳамкамларга дам олиш учун имконият берилди. ФИФА кейинги жаҳон чемпионати учун ҳамкамларнинг кенгайтирилган рўйхатини октябрь ойида эълон қилади. Балки ана шундан сўнг, кейинги режалар ҳам белгиланса ажаб эмас.

— Маълум сабабларга кўра, ёрдамчиларингиздан бири Абдухамид Расуллов жаҳон чемпионатига бора олмади. Унинг кейинги тақдири нима бўлади? У бошқа бригадада фаолиятини давом эттирадими ёки сизга келгусида ёрдам берадими?

— Хар кимнинг тақдири ўз қўлида. Ким имтиҳон ва синовлардан яхши ўта олса, ана ўша асосий таркибда ҳамкамлик қилади. Бу ҳолат худди футболчиларнинг вазиятига ўхшаб кетади. Мен Абдухамиднинг профессионалигига шубҳа қилмайман. У кейинги синовлардан яхши ўтса, балки яна асосий таркибга киришга муваффақ бўлар.

— Ҳозирги кунда ҳамкамлик профессионал даражада қилиш. Авваллари барча ҳамкамларнинг бошқа асосий касби бўларди. Сиз эса ай-

нан профессионал ҳамкамсиз. Балки, бу ҳолат ФИФА сизни беш марта ўйинларга тайинлашида муҳим омил бўлгандир?


— ФИФА сизнинг ўтмишингизга қараб ўтирмайди. Аксинча, ҳозирги кундаги савиянгизга қараб ҳулоса чиқаради. Асосий касби ким бўлишдан қатъи назар, аини кунда яхши савиядаги ҳамкам бўлса, ўйинларга тайинланаверади.

— Чемпионатнинг биринчи ўрашувиди илк гол ҳақида равишда беқор қилинди. Ўз фаолиятингиз давомида аввал ҳам шундай вазиятга дуч келганми?

— Рафаэль Илёсов: — Колумбиялик Оскар Руиз актёрлик қобилияти билан бошқалардан ажралиб турди. У хар қандай инсоннинг қиёфасини ва ҳаракатларини ўхшата олиши билан барчамизни ҳайрон қолдирди. У бизни зериктирмади.

— Тан олиш керак, ЖАРДАГИ учрашувлар чоғида вувузеллар товуши бир зум ҳам тинмади. Бу кўнчиликка унчалик хуш келмади. Сизларга ўйинлар пайтида ҳалақит берган омил бўлди?

— Финал ўйинини стадионда ўтириб томоша қилдик. Стадиондаги барча мухлисларнинг қўлида вувузела борлигини кўрдик. Бу стадионда жуда катта шовқини келтириб чиқаради. Бундай шароитда майдонда уч метр масофадан футболчи бақириб гапирсангиз ҳам эшитмайди. Вувузеллар товуши ён қанат ҳамкамларига ҳақиқатан жуда катта қийинчилик туғдирди. Одатда, лайнсменлар офсайд ҳолатини тевилган тўпни товуши ва ўша пайтдаги энг сўнги ҳимоячининг



Рашид ГАЛИЕВ ойнаган сурат.

туришимиз шарт.

— Сиз салкам бир ярим ой мобайнида ҳамкамлар билан битта шаҳар ва бир меҳмонхонада истикомат қилдингиз. Ўзига хос характерга эга бўлган қайси ҳамкамни ажратиб кўрсатган бўлар эдингиз?

— Рафаэль Илёсов: — Колумбиялик Оскар Руиз актёрлик қобилияти билан бошқалардан ажралиб турди. У хар қандай инсоннинг қиёфасини ва ҳаракатларини ўхшата олиши билан барчамизни ҳайрон қолдирди. У бизни зериктирмади.

— Тан олиш керак, ЖАРДАГИ учрашувлар чоғида вувузеллар товуши бир зум ҳам тинмади. Бу кўнчиликка унчалик хуш келмади. Сизларга ўйинлар пайтида ҳалақит берган омил бўлди?

— Финал ўйинини стадионда ўтириб томоша қилдик. Стадиондаги барча мухлисларнинг қўлида вувузела борлигини кўрдик. Бу стадионда жуда катта шовқини келтириб чиқаради. Бундай шароитда майдонда уч метр масофадан футболчи бақириб гапирсангиз ҳам эшитмайди. Вувузеллар товуши ён қанат ҳамкамларига ҳақиқатан жуда катта қийинчилик туғдирди. Одатда, лайнсменлар офсайд ҳолатини тевилган тўпни товуши ва ўша пайтдаги энг сўнги ҳимоячининг

турган жойига қараб аниқлашади. Бу чемпионатда эса қанат ҳамкамлари аввал тўпнинг тепилишига ва кейин сўнги ҳимоячига қарашга мажбур бўлишди. Бу эса офсайдни аниқлашда қийинчилик келтириб чиқарди.

— Маълумотларга қараганда, италиялик машхур ҳамкам Пьер Луижини Коллина билан учрашди. У билан нима ҳақда суҳбатлашдингиз?

— Германия-Аргентина терма жамоалари учрашувини ўтказиб, Преторияга қайтганда, йўлимизда Коллина турганини кўрдик. Мен ўзимни таништиндим. У бизни танишини айтди ва 3-4 дақиқа давомида бизнинг ҳамкамимиз ҳақида ўзининг фикрларини бил-

дирди. Бу воқеанинг эртасига ОАВ учун очик кун деб эълон қилинди. Шу кун италиялик мухбирлар келиб, Коллина биз ҳақимизда ижобий фикрлар билдирганини айтишди.

— Равшан, агар сир бўлмаса, айтинг-чи, сиз жаҳон чемпионати давомида қайси жамоага мухлислик қилдингиз?

— Балки, ишонмаслигиниз мумкин, шахсан мен фақат ҳамкамларга мухлислик қилдим. Ўтказилган жами 64 учрашувнинг бирортасига ҳам бефарқ қараган эмасман. Уларнинг хар бир дақиқасини синчковлик билан кузатиб бордим. Боиси, хар бир ўйин нихоясига етганда, фаолият кўрсатган ҳамкамлар хатти-ҳаракатлари қайта ўрганилар эди.


Матбуот анжумани нихоясига етган, Россиянинг «Советский спорт» газетаси мухбири Елена Севановичнинг ҳамкамларимиз ҳақидаги фикрлари билан қўзқидик. — Очиғи, сизларга ҳавасим келди, — деди россиялик ҳамкамимиз. — 2008 йилги Европа чемпионатида кўнчиликини ҳайратга солган Россия миллий терма жамоаси мундиал йўлнамасидан курак қолгани өтмаганидек, жаҳон чемпионатида бирорта ҳамкамимиз ҳам иштирок этмади. Равшан Эрматов ҳамда унинг бригадаси эса бу катта футбол байрамида шунчаки қатнашмади, балки ўзларининг нечоғли футбол билимдони эканликларини тўла намойиш эттиди. Бундан буён Россия супер лигасининг муҳим учрашувларига ҳамюртингизни таклиф эттишса, ажабланмайман. Бу эса Ўзбекистонда футболни юксалтириш тўғрисида борётганини кўрсатади. Шу боис, яна бир неча кун юртингизда бўлиб, нафақат Равшан Эрматов, балки бугунги ўзбек футболчи ҳақида туркум мақолалар тайёрлаш ниятидаман.

Эркин ХОЛБОБО ёзиб олди.


Юртимиз сиҳатгоҳлари



Фарғона туманидаги «Чимён» сиҳатгоҳи 350 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўзига хос меъморий ва замонавий кўринишга эга. Бу ерда дам олувчилар ҳамда даволанувчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган.



Сиҳатгоҳда юрак, қон-томир, асаб, ҳаракат таянч аъзолари, ошқозон-ичак тизими, урологик, гинекологик ҳақда бошқа касалликлар даволанади. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари эга даволаш биноси, сувли муолажа бўлими, турли гиёҳлар ёрдамида даволовчи фитованналар, шунингдек, маданият саройи, спорт майдони, кутубхона, чойхона ва футбол даволанувчилар хизматида. Бу ердаги мадданли сув таркибда олтингузурт мавжуд бўлиб, у кўнлаб касалликларни даволашда қўл келмоқда. Сув ости муолажаси ҳам янги даволаш усулларидир.



М.Қодиров (Ўса) олган суратлар

Сиҳатгоҳда юрак, қон-томир, асаб, ҳаракат таянч аъзолари, ошқозон-ичак тизими, урологик, гинекологик ҳақда бошқа касалликлар даволанади. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари эга даволаш биноси, сувли муолажа бўлими, турли гиёҳлар ёрдамида даволовчи фитованналар, шунингдек, маданият саройи, спорт майдони, кутубхона, чойхона ва футбол даволанувчилар хизматида. Бу ердаги мадданли сув таркибда олтингузурт мавжуд бўлиб, у кўнлаб касалликларни даволашда қўл келмоқда. Сув ости муолажаси ҳам янги даволаш усулларидир.

Ичкилик касофати

Иллат ■ Ичкилик одамни хар қўйга солиши мумкин. Кимки унга ружу қўйса, рўзгоридан хайру барақа кўтарилади, тинчлик-тотувилик йўқолади. Аксарият жаҳон спиртли ичимлик истеъмол қилиш оқибатида содир этилади.

Шўрчи туманининг «Ижтимоёт» маҳалласида истикомат қилувчи Комил Каримов аслида танишбиллишлари билан ошқонада ўтириб, кайфият учун бир шишани бўшатишди. Аммо бу камлик қилди. «Улфатчилик»ни давом эттирадиган бўлишди. Шу боис Олтинсойга йўл олишди. Чойхонада икки шиша ароқ ичилди. Пул тўлашга келганда эса улфатларнинг чўнтақлари курак экани ойдинлашди. Боғина оқибат, дўстлик, яхши ёмон кунда бирга бўлиш ҳақида тўлиб-тошиб қадаҳ сўзи айтган шериклар Комилни ёлғиз ташлаб, ўзлари қочворилди.

Шундан сўнг кайфи баланд Комил саунага йўл олди. Бу ерда ҳам бир шиша пиво истеъмол қилган, инон-ихтиёрини буткул йўқотди. Сархушиқдан нима қиларини билмай, ўтган кетганининг жигига тега бошлади.

Маҳалладошлари Жўра Абдурахмонов билан Хайрулла Юсуповни учратиб қолди. Комил ҳовлида улар билан айтишиб қолди. Тортишув жанжалга айланди. Дастлаб «Нексия»нинг олд ойнасини синдириди. Уловдан тушиб, ёқама-ёқа бўлаётганларни ажратишга шотушди. Шундай қилиб, ичкилик касофати туфайли шунча кўнгилсизликлар юз берди.

Ҳасан ДАВЛЯТОВ, Жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман суди раиси.

Table with various news items and advertisements including: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Ta'yana KISTANOVA; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda; MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY; Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV; Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi; Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'AYEV, Zafar BAKIROV; «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boemaxonasida chop etildi. Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy; Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta sahifalar, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi; G - 649; 8241 nusxada bosildi; I - Tijorat materiallari; ISSN 2010-7633; O'za yakuni - 20.45; Topshirilgan vaqti - 23.45; 10345; Soluvda erkin narxda.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
манфаатли «ОМАД ҚУВОНЧИ» ютуқли омонатини таклиф этади.
Омонатга маблағлар 3 ой муддатга йиллик 14 фоиз даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромади билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражи натижасига кўра 30 дан ортиқ буюм ютуқлари соҳиби бўлишингиз мумкин.
БОШ СОВРИН — «НЕКСИЯ» АВТОМОБИЛИ!
Ютуқлар тиражи жорий йил август ойи 2-декадасида ўтказилади.
ХАМ ДАРОМАД, ХАМ ИМКОНИЯТ!
Қўнғинча маълумотларин 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
Хизматлар лицензияланган